| | |
|---|---|
| **Uzbekiston Respublikasi** | **Ўзбекистон Республикаси** |
| **Samarqand viloyati** | **Самарқанд вилояти** |
| **H O K I M I** | **Ҳ О К И М И** |

# Q A R O R

200 6 yil « 2 » АВГУСТ № 119-К

**Узбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 июлдаги ПФ-3780-сонли «Юридик шахслар ва фукароларнинг бинолари хамда иншоотлари билан банд булган ер участкаларини хусусийлаштириш тугрисида»ги Фармони хакида**

Узбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 июлдаги ПФ-3780-сонли «Юридик шахслар ва фукароларнинг бинолари хамда иншоотлари билан банд булган ер участкаларини хусусийлаштириш тугрисида»ги Фармонининг ижросини таъминлаш хамда иктисодиётда хусусий мулкчиликни янада кенгайтириш ва унинг ролини ошириш, бизнесни ривожлантириш учун кулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорликнинг хукукий кафолатларини мустахкамлаш, хусусийлаштирилган корхоналар билан банд булган ер участкаларидан максадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш, шунингдек уй-жой бозори ва ипотекани ривожлантириш учун кучли рагбатлантирувчи механизмларни вужудга келтириш максадида

## КАРОР КИЛАМАН:

1. Узбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 июлдаги ПФ-3780-сонли «Юридик шахслар ва фукароларнинг бинолари хамда иншоотлари билан банд булган ер участкаларини хусусийлаштириш тугрисида»ги Фармони рахбарлик ва ижро учун кабул килинсин.

2. Узбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони билан:

-2007 йилнинг 1 январидан бошлаб Узбекистон Республикасининг юридик шахслари - резидентлар мулкий хукук асосида узларига карашли ёки улар томонидан хусусийлаштириладиган бино ва иншоотлар, ишлаб чикариш инфратузилмаси объектлари жойлашган ер участкаларини, шунингдек мазкур объектларга туташ ер участкаларини кулланиладиган технология жараёнлари, шахар курилиши норма ва коидаларини хисобга олган холда, ишлаб чикариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур

булган микдорда хусусийлаштириш хукукига эга булган тартиб урнатилиши;

-Ушбу бандда назарда тутилган ер участкаларини хусусийлаштириш бозор кийматидан келиб чикиб, конун хужжатларида белгиланган тартибда мулкка эгалик хукукини расмийлаштирган холда ихтиёрийлик асосида амалга оширилиши;

-мазкур Фармонга мувофик хусусийлаштирилмаган, Узбекистон Республикасининг юридик шахслари - резидентлари томонидан доимий фойдаланиб келинаётган ер участкалари 2008 йилнинг 1 январига кадар эллик йилгача, аммо уттиз йилдан кам булмаган узок муддатли ижарага кайтадан расмийлаштирилиши белгиланганлиги;

-Ер тугрисидаги конун хужжатларида назарда тутилган холларда, ер участкасини узок муддатли ижарага олиш хукуки шартномада курсатилган муддат тугамасдан тухтатилиши ёки ижарага олинган ер участкаси майдони кискартирилиши мумкинлиги;

-кадастр хужжатларида белгиланган чегара ва микдорларда якка тартибда уй-жой куриш ва турар жой биносига хизмат курсатиш учун берилган ер участкаларини хусусийлаштириш катъиян бозор нархлари буйича амалга оширилиши белгилаб куйилганлиги;

-фукаролар томонидан якка тартибда уй-жой куриш ва турар жой биносига хизмат курсатиш учун ер участкаларини олишда илгари туланган киймат ким ошди савдолари натижалари буйича ер участкаларини хусусийлаштириш учун туланадиган хак микдорини белгилаш чогида хисобга олиниши;

-хусусийлаштирилган ер участкаси оборотда, жумладан харид килиш - сотиш, айирбошлаш, хадя килиш, мерос, фойдаланиш (ижарага бериш) буйича битимлар тузишда чекланмаган, гаров, шу жумладан банклар ва бошка кредит муассасаларидан кредит олиш учун гаров булиб хизмат килиши;

-2008 йил 1 январидан бошлаб Узбекистон Республикасининг фукаролари - резидентларига якка тартибда уй-жой куриш ва турар жой биносига хизмат курсатиш учун ажратилган ер участкаларини хусусийлаштириш хукуки берилиши;

-Бунда якка тартибда уй-жой куриш ва турар жой биносига хизмат курсатиш учун ажратилган ер участкалари куйидаги тартибда:

-ушбу Фармон чиккан пайтда амалда эгаллаб турилган ва урнатилган тартибда берилган кадастр хужжатларида белгиланган чегара ва микдорда доимий фойдаланиш ёки умрбод мерос килиб колдириладиган эгалик хукуки билан участкаларга эга булган фукаролар томонидан ихтиёрийлик асосида;

-ер участкаларини якка тартибда уй-жой курилишига ким ошди асосида конун хужжатларида белгиланган микдорларда сотиш чогида,

нчалик мулкка эгалик хукукини урнатилган тартибда давлат атидан утказилиши;

-томонлар - кучмас мулкни бегоналаштираётган ёки сотиб олаётган ул килаётган) шахснинг ахдлашуви буйича якка тартибдаги уй-жойни ш ёки хадя этиш (якин кариндошлар бундан мустасно) чогида бурий тартибда хусусийлаштирилиши белгилаб куйилганлиги;

-Узбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография давлат кадастри Давлат кумитаси, Коракалпогистон Республикаси рлар Кенгаши, вилоятлар, шахар ва туманлар хокимликлари хамда ка манфаатдор тузилмалар билан биргаликда 2007 йилнинг 1 бригача булган муддатда юридик шахслар ва фукароларнинг бинолари а иншоотлари билан банд булган ер участкаларини хусусийлаштириш да бозор нархларини белгилаш учун асос сифатида кишлок хужалик иятига эга булмаган ерлар кадастрини ишлаб чикиши ва апробациядан зиши лозимлиги;

-ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушадиган маблаглар ат бюджетига тулик утказилиши ва 80 фоиз микдорда республика жетига хамда 20 фоиз микдори тегишли махаллий бюджетларга лтирилган холда инфратузилмани ривожлантириш ва худудларни онлаштиришда максадли фойдаланилиши, бунда ер участкаларини сийлаштиришдан республика бюджетига тушадиган маблагларнинг да 3 фоизи инвентаризация, мухандислик инфратузилмаси бош лари ва схемаларини ишлаб чикиш хамда тузатишлар киритиш, ер стрларини шакллантириш ва иктисодий зоналарга ажратиш буйича надиган сарф-харажатларни коплашга йуналтирилиши илганлиги маълумот учун кабул килинсин.

3.Ушбу карор ижросини назорат килиш вилоят хокимининг биринчи босари А.Бахромов зиммасига юклансин.

**Вилоят хокими** **М.Нурмуратов**